1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 24-FEVRAL,
SHANBA

23
(16180)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2018 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир. Асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди.

Наврўз байрамининг беқиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган, **"Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!"** деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга чорлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ва фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзида мужассам этган оммавий сайиллар ўтказиш;

Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор-этнографик гуруҳлари ва ансамблларни, таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонанда ва созандалар, бахшилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозларни, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш;

халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, ҳунармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадиий учрашувлар, китоб байрамларини ташкил этиш.

3. Ташкилий қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳокимлар раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар тузиш;

байрам сайилларини барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда босқичма-босқич равишда юқори савияда, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш;

Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 23 февраль*

## ОЁҒИМИЗ ЕРДАН УЗИЛМАСА, БОШИМИЗ КЎККА ЕТАДИ





Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев ташкилот томонидан Андижон вилоятида олиб борилаётган миссия доирасида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

"Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр тур!" шиори остидаги "Ёшлар ҳафталиги" форматида ташкил этилган миссия шу ҳафта аввалида старт олган эди. Ўтган вақт мобайнида Иттифоқ таркибидаги ва унга қарашли бўлмаган, лекин ёшлар масаласи билан бевосита шуғулланувчи ўттизга яқин тузилма раҳбарлари, мутахассис ва экспертлар Андижоннинг барча туману шаҳарларида бўлиб, юзлаб ёшлар — ўқувчи ва талабалар, тадқиқотчи ва олимлар, спортчилар, тадбиркор ва фермерлар, ишсизлар, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ота-она меҳридан мосуво болалар билан мулоқот олиб борди. Ҳар қайси қатламнинг муаммолари обдон ўрганилди. Ҳатто олис қишлоқларда яшаётган йигит-қизларнинг ҳам фикр-мулоҳазаси, ғоя ва ташаббусларига қулоқ тутилди. Мақсад шу-ку аслида — ёшларга яқинлашиш, улар давлат ва жамиятга керакли инсонлар эканини, аввало, ўзларига-да ҳис эттиришдан иборат.

Яширишга ҳожат йўқ — ёшлар ҳар хил. Орасида қадамидан ўт чақнаб, ишни дўндирадиган, эл-юрт равнақи учун жон куйдириб, том маънода фидойилик кўрсатаётган, масъулиятли дамда елка тутадигани ҳам, боқимандаси ҳам топилади. Турган гапки, бизга охиргилар сафи камайгани, умуман йўқ бўлгани дуруст! Аммо истак ўз йўлига. Бундай пайтда шаҳдам ҳаракат зарур!





Очиқ мулоқотда ушбу фикрга ён босилди. Демак, кўпчиликнинг мақсади муштарак. Муболағасиз айтамиз: Қаҳрамон Қуранбаевга юзланган андижонлик ёшлар нигоҳида қатъият, ўзига бўлган ишонч бор. Акс ҳолда, кечагина коллежни тамомлаган йигит: "Ёшлар бандлигини таъминлаб, маҳсулотимни экспортга жўнатаман", дея Давлат маслаҳатчисидан 400 миллион сўм кредит олишда ёрдам сўрамас, оддий қишлоқ боласи эса: "Мактабимда ҳар 150 нафар ўқувчига атиги битта компьютер тўғри келади, у ҳам чироқ йўқлиги учун ёнмайди" — деб дангалини айтиб қўя қолмас эди.

Залдан вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, ички туризмни ривожлантириш бўйича ҳам жўяли таклифлар айтилди. Айниқса, Хонободдан келган мактаб сардорларининг янги ташаббуси ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Болалар шаҳарда "Меҳр улашинг" акциясини ташкил қилиб, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари учун совғалар тўпламоқда. Бунинг учун махсус хайрия қутиси ҳозирлаб қўйилган. Илк совғани туман ҳокими улашди. Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ҳам четда турмади, мулоқот жараёнидаёқ қутига бадиий адабиётлар ҳамда замонавий телефон ташлади. Умуман олганда, тадбирда қатнашганларнинг ҳаммаси учрашувдан нафақат ижобий энергия ва ишчанлик кайфияти, балки биттадан китоб олиб кетгани ҳам айни ҳақиқат.

***Якуний хулосани беришга шошилмаймиз. Ёшлар иттифоқининг улкан ва ўта аҳамиятли миссиясига нуқта қўйишга ҳали эрта. Лекин бир нарса аён — лойиҳа мунтазамлик касб этади. Бутун республика бўйлаб тарқалади. Токи ёшлар ҳаётидан рози бўлмагунча, токи катта-кичик амалдорлар уларнинг дарду ташвиши билан яшаб, муаммосини газак олдирмай, жойида ҳал қилишни ўрганмагунча. Зотан, оёғимиз ердан узилмаса, бошимиз кўкка етади!***

**Наргиза УМАРОВА**

"Ёшлар ҳафталиги"нинг қолган тафсилотлари билан 3-саҳифада танишинг.

**» ESHITDINGIZMI?**

### "SPARK" фарғоналик китобхонда




Пойтахтимизда "Ёш китобхон" республика танловининг навбатдаги ғолиби аниқланди. 20-30 ёш тоифасида кечган финал баҳсида 14 нафар иштирокчи билимини синовдан ўтказди.

1-ўринни фарғоналик Шарофатхон Исмоилова қўлга киритди. Ғолибга "Spark" автомобили топширилди.

### 5 ТОННА СУМАЛАК тайёрланади



Эндиги рекордни наманганлик қандолатчилар ўрнатмоқчи. Жараён 20 март куни вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғида бошланади. Ҳозирдан 2 тонна буғдой ивитилиб, ундиришга қўйилган.

Баҳор таоми "Сумалак сайли" туризм ва миллий қадриятлар фестивали доирасида меҳмонларга тарқатилади.

### ҲИНДИСТОНДА ўзбекистонлик талабалар уюшмаси тузилди



Мазкур қарорга шу мамлакатдаги элчихонамиз ташкил этган давра суҳбати натижасида келинди. Янги тузилманинг раиси этиб Жавоҳарлаьл Неру университети магистранти Музаффар Ҳақбердиев сайланди.

Эслатиб ўтамиз, айни вақтда Ҳиндистон олий ўқув юртларида 50 нафарга яқин ватандошимиз таълим олмоқда.

### ЮРТИМИЗДА ИЛК БОР

*"Women Techmakers" глобал дастури амалга оширилади.*

Women Techmakers

Лойиҳа "Google" компаниясининг ташаббуси ҳисобланиб, аёлларнинг юқори технологиялар соҳасидаги иштирокини таъминлаш ва инновацион фаоллигини оширишга қаратилган. Юртимиздаги илк тадбири "Women Techmakers IWD" деб номланиб, тақдимот ва учрашувлар форматида ўтказилади. Унга Тошкент шаҳридаги Инҳа университети мезбонлик қилади.

**Ўз ахборотимиз.**

» O'RNAK OL!

# ФЕРМЕР УЧУН ЗЎР ДАСТЁР

Малик СИНДОРОВ

Навоийда "Ёш олимлар" клуби раҳбари иссиқхона ҳароратини назорат қилувчи қурилма яратди. Мазкур ишланма йилнинг тўрт фасли ҳамда сутканинг исталган вақтида экинлар учун зарур иқлим шароитини яратишга мўлжалланган.





Техник ноу-хау муаллифи Абдухалил Самадов — магистрант. Айни вақтда Навоий давлат кончилик институтида таҳсил олмоқда. Илмий иқтидори ва иштиёқи юқорилиги боис, унга Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши қошидаги янги клубни бошқариш вазифаси ишониб топширилган.

Тенгдошимизнинг сўзларига қараганда, инновацион қурилмага махсус датчиклар ўрнатилган. Улар иссиқхона учун оптимал ҳаво ҳароратини танлайди. Зарурат туғилганда эса, ичкарига иссиқ ёки совуқ ҳаво оқимини юбориши мумкин. Жараён бошдан-охиригача автоматлаштирилган. Бундай қулайликка атиги 3 миллион сўм эвазига эришасиз.

— Қурилмамиз намлик даражасини назорат қилиш хусусиятига ҳам эга, — дейди А.Самадов. — Бунинг сири: аввалига тупроқ остига сезгир элементлар жойлаймиз. Улар махсус сигнал тўлқинлари орқали қаерга, қанча намлик кераклиги ҳақида бошқарув пультига хабар беради. Экин майдонида намлик даражасини меъёрида сақлаш фермер учун ниҳоятда муҳим. Бундай чора-тадбир ўсимликнинг касалликка чалиниш эҳтимолини пасайтиради. Демак, ҳосил нобуд бўлишининг ҳам олдини олган бўламиз.




## "МЕНОРА" икки марта ёритди

**Исроилнинг етакчи нашрларидан бири "Менора" газетаси Ўзбекистон ҳақида иккита таҳлилий материални эълон қилди.**

Дастлабкиси "Ўзбекистон дунёга ўзини танитмоқда", деб номланиб, унда жорий йил 10 февралдан юртимизда еттита давлат, хусусан, Исроил фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этилгани таъкидланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон делегациясининг Тель-Авивда ҳар йили ўтказиладиган халқаро сайёҳлик ярмаркасидаги иштироки хусусида ҳам сўз юритилган.

"Ўзбекистон ва Исроил ўртасида туризмни ривожлантириш истиқболлари" сарлавҳали иккинчи мақолада ҳам виза бериш тартибининг ўзгаргани тўғрисида хабар берилган. Қайд этилишича, айни вақтда Исроил ҳукумати "Тиюль шорашим" лойиҳасини амалга оширмоқда. Унинг доирасида мамлакат ёшларига Ўзбекистонга саёҳат қилиб, ота-онаси, бобо-бувилари туғилиб-ўсган жойлар — яшаган маҳалласи ва уйларини кўриш имкони яратиляпти.

Мақола муаллифи қисқа фурсатда Ўзбекистонда сайёҳлик тармоғини ривожлантириш, айниқса, кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилгани ҳақида ёзади. Шунингдек, мамлакат билан яқиндан танишиш учун турли қатнов йўналишлари ҳамда ажойиб сайёҳлик инфратузилмаси яратилганини эслатиб ўтади. Айтиш жоиз, ҳозир "Зиёрат" дастури доирасида исроилликлар мамлакатимиз ҳудудидаги яҳудийлар қабристони, синагогалари, ушбу халқ тарихи ва этнографияси тўғрисида маълумот берувчи музей экспонатлари билан танишиши мумкин.

"Менора"да юртимизнинг Исроилдаги элчихонаси томонидан икки давлат сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишлаб ўтказилган форум тафсилотлари ёритилган.

## "SOUTH CHINA MORNING POST" ҳайратда

**Гонконгнинг нуфузли нашри ўз саҳифаларида ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва турмуш тарзига бағишланган таҳлилий мақолани чоп этди.**

Газета мухбири Крис Тейлор қаламига мансуб мазкур материал, аввало, жарангдор сарлавҳаси билан ўқувчилар эътиборини тортади — "Ўзбекистон: қадимги меъморлик, меҳмондўст халқ ва лаззатли палов". Мақолани тайёрлаш учун юртимизга келиб-кетган журналист кўҳна тарихий обидалар: бетакрор мадрасаю миноралар, мачит ва мақбаралар кўркини ҳайрат билан тасвирлайди. Унинг фикрича, ушбу осори-атиқалар жаннатмонанд ўлкамизни янада фусункор этишга хизмат қилмоқда.

К.Тейлор Бухорога саёҳати ҳақида алоҳида тўхталган. Улуғбек мадрасасининг қурилиш услуби, Чор Минорнинг мовий гумбазлари, Арк қўрғонининг маҳобати, қолаверса, қадимги ҳаммомга оид қизиқарли фактларни келтирган. Муаллиф Қизилқум чўлларию кўҳна Хива ва Самарқанд бўйлаб саёҳатдан олган таассуротлари билан ҳам бўлишади.

## "ВЕЙСИН" нима деди?

**Ўзбекистон сайёҳлик соҳасидаги ўзгаришлар Хитой оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат марказида. Масалан, яқинда мамлакатда анча оммалашган "Вейсин" ижтимоий тармоғи "Ипак йўли янгиликлари" рукнида шунга доир қизиқарли материални жойлаштирди.**

Унда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, бир қатор давлатлар фуқаролари учун Ўзбекистон ҳудудига визасиз кириш имкони яратилгани хусусида маълумот берилган. Бундай қулайлик мамлакатимизга мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий ҳаво кемалари экипаж аъзолари учун ҳам амал қилиши эслатилган. "Сўнгги бир йил давомида Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони 24 фоизга кўпайди", — деб ёзади "Вейсин".

## "DD-NEWS-ДУРДАРШАН" ҳам эътиборсиз қолдирмади

**Ҳиндистоннинг ушбу телеканалида эфирга узатилган махсус кўрсатув Ўзбекистонимиз ҳақида бўлди. "Uzbekistan Direct" деб номланган ярим соатлик теледастур мамлакатимизнинг ривожланиш одимлари ҳамда сайёҳлик салоҳиятига бағишланди.**

Кўрсатувда ўзбек халқининг бой маънавий мероси, ранг-баранг маданияти, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлар латофати, ўлкамизнинг мафтункор табиати намойиш қилинган.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Шу ўринда томошабинлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган тарихий Мурожаатномаси, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мазмун-моҳияти билан атрофлича таништирилади.

Ижодкорлар мамлакатимизнинг сармоявий жозибадорлигини ҳам очиб берган. Муаллиф тадбиркорлар ва чет эл сармоядорлари учун қулай шароитлар яратилгани хусусида тўхталар экан, республикамизда жуда катта ва ранг-баранг табиий-ресурслар борлигини алоҳида таъкидлайди.

Кўрсатув давомида "DD-News" мухбири "Ҳиндистон – МДҲ" Савдо-саноат палатаси президенти С.Чандра билан ҳам суҳбатлашиб, мутахассиснинг мавзуга доир фикри билан қизиққан.

**"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.**

» YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI – AMALDA

# КИМ КИТОБ, КИМ ИШ ТОПДИ

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Денов, Сариосиё, Узун, Олтинсой, Қумқўрғон, Жарқўрғон туманларида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари бўлиб ўтди. Лойиҳа ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилган.

Ташаббуснинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳудуд раҳбарлари билан жонли мулоқот чоғида ёшларнинг аксарият муаммолари ҳал бўлмоқда. Масалан, олтинсойлик Турғун Мардонов вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовга қандолатчилик цехини қуриш учун ер олишда қийналаётганини айтганди. Қисқа фурсатда тенгдошимизга тумандан 60 квадрат метр ер майдони ажратилди. Бошқа бир тенгдошимиз Суннатилло Тоғаев биргина мурожаати туфайли қишлоғидаги оилавий поликлиникага фельдшер-лаборант бўлиб ишга жойлашган.

— Қумқўрғон туманидаги учрашув чоғида ёшлар янги кутубхона учун китоб сўраганди, — дейди Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши раиси Охунжон Умаров. — Керакли барча адабиётларни етказиб бердик. Сариосиёлик спорт мураббийи Малика Аҳмедова эса, тўгарак аъзолари учун спорт гилами сўраган. Унинг илтимоси ҳам ерда қолиб кетмади.

# НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

**Ёшлар иттифоқининг Нурота тумани кенгаши ўтган бир йил мобайнида 57 нафар фуқарони ишга жойлаштирди.**




Гулҳаё РАВШАНОВА

Улардан бири Нурота ижтимоий-иқтисодиёт коллежи битирувчиси Фотима Сайфуллаевадир. Тенгдошимиз бухгалтерия йўналиши бўйича таҳсил олган. Бу касбга талаб ҳамма вақт ҳам юқори бўлишига қарамай, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда иш тополмай, анча вақтгача саргардон бўлиб юрди. Иттифоққа мурожаат қилган кунёқ масаласи ижобий ҳал этилганини айтмайсизми. Энди Фотима ёнғиннинг олдини олиш ва қўриқлаш хизматининг туман бўлимида инспектор вазифасида ишламоқда.

Чаман Сафарова (суратда)нинг эса, тиббиёт коллежини тамомлаганига саккиз йил бўлган. Ҳалигача ишсиз эди. Ёшлар ташкилоти бу қизга ҳам ёрдам қўлини чўзди. Ҳозир у туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира.

Таъкидлаш керак, Иттифоқ кўмаги билан ишга жойлашган йигит-қизларнинг 23 нафари ўз мутахассислиги бўйича фаолият олиб бормоқда. 34 нафари эса, мавсумий ишлар билан банд.

» TASHABBUS

# ЯКШАНБА КУНИ БЕҲУДА ЎТМАЙДИ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ёшлар иттифоқининг Боғот тумани кенгаши етакчи ва сардорлари ҳар якшанба куни бир-бири билан учрашади. Нега дейсизми? Китоб мутолаа қилиш мақсадида.




Бундай ўзига хос ташаббус доирасида йигит-қизлар ўзбек ва бошқа халқлар адабиётининг дурдона намуналари билан танишиб, мазмун-мундарижаси ҳамда ғоявий йўналиши хусусида қизғин баҳс олиб бормоқда. Ҳозирга қадар китобхон дўстларимиз Саид Аҳмаднинг "Уфқ" трилогияси, Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссаси, шунингдек, дунёга машҳур "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон саргузаштлари"ни муҳокама қилди. Мутолаадан олган таассуротлари хусусида бир-бири билан ўртоқлашди.

Эндиликда Иттифоқ фаоллари бундай давра суҳбатларини кенгайтириб, мунтазам фаолият олиб борувчи тўгаракка айлантирмоқчи. Навбатдаги мулоқот Ҳусайн Ниҳол Отсизнинг "Кўкбўриларнинг тирилиши" тарихий романи тавсифига бағишланади.

» YUKSALISH

# ҲАРБИЙЛАРГА ҲАМ КЕРАКЛИ СОҲА

Роҳатой ҚОДИРОВА



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибидаги зобитлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларига доир билимини оширмоқда. Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида улар учун махсус курслар ташкил этилган.

Ўқув машғулотларига жами 360 нафар ҳарбий хизматчи қамраб олинади. Улар олти гуруҳга бўлинган ҳолда Инҳа ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетларининг тажрибали ўқитувчилари қўлида сабоқ олишга киришди.

Режага кўра, тингловчилар компьютер саводхонлигидан ташқари, АКТ соҳасининг нисбатан янги тармоқлари бўйича ҳам тегишли билим ва малака эгаллаши лозим. Хусусан, ўқув дастурига ахборот хавфсизлигидек мураккаб йўналишда алоҳида дарслар киритилган.

Якуний имтиҳонларни муваффақиятли топширган зобитларга махсус сертификатлар топширилади. Мазкур ҳужжат билан келгусида улар мураббий-ўқитувчи сифатида фаолият олиб бориши мумкин.

# БОҚИМАНДА БЎЛИБ ҚОЛМАСАК БАС

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кенгайиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Тадбиркор йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланяпти. Давлат раҳбарининг ўзи ишбилармон одамларни бошида кўтаришга тайёрлигини айтиб, барчани уларга кўмак беришга чорлаётган бир пайтда бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, албатта.



Ёшлар ҳафталиги доирасида Шаҳрихон туманида ёш тадбиркор ва фермерлар билан ўтказилган очиқ мулоқот айнан шу фикрлар билан бошланди. Таъкидланганидек, илгари тадбиркорнинг фаолиятига аралашиб, бемаврид текширувлар билан йўлига ғов бўладиганлар кўп эди. Тўғрида, янги иш ўринлари яратиб, элга фойдаси тегаётган ташаббускорга ҳуда-беҳуда ҳалал бераверилса, қандай юксалиш бўлади, ахир? Энди бунга чек қўйилди. Тадбиркорлик субъектлари режадан ташқари текширилмайди. Бундан буён банклар ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга нафақат кредит беради, балки аҳолини тадбиркорлик, ишбилармонликка ўргатади.

— Шароит бор экан, деб боқимандалик билан яшаш бизга хос эмас, — дейди якка тартибдаги деҳқон хўжалиги раҳбари Муҳиддин Ҳабибуллаев.

— Полиз экинлари етиштираман. Яқинда мутасаддилар кўмаги билан қўшимча ер олдим. Лойиҳаларим кўп. Кўзим ожиз бўлса ҳам фаолиятимни ривожлантириш учун ўзимда куч топа оляпман.

Очиқ мулоқотда тадбиркорларга амалий ёрдам берилса, халқ фаровон яшаши алоҳида қайд этилди. Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида сўз юритиб, бу борадаги таклифлари билан бўлишди.

**Санжар РАҲИМОВ, “Универсал агро люкс” фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Беш юз минг доллар кредит эвазига бир гектар майдонда иссиқхона ташкил этиб, ўттиз нафардан зиёд йигит-қизни иш билан таъминлаганман. Помидоримизнинг килоси Россия Федерациясига бир ярим доллардан экспорт қилиняпти. Айни кунда ўз маблағим асосида яна бир шундай иссиқхона қурилишини бошладим. Агар фаолиятимни кенгайтириш учун кредит ажратилса, уларнинг сонини янада оширишни режалаштирганман.*



**Анора ҲАСАНОВА, “Омонжаҳон” фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Фермерликдан кам бўлганим йўқ. Режаларни бажариб, янги техникалар сотиб оляпман. Янги уйли бўлдим. Лекин бу билан чекланиб қолмайман. Тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида пахта заводи ҳудудидан ноль балансда жой сўраганман. Тикув машиналари аллақачон олиб келинган. Жой беришса, ўнта янги иш ўрни ятатаман. Қолганига сармоям етарли.*

**P.S.: Тенгдошларимизнинг муаммоси ижобий ҳал бўлди. Ёш фермерга етти гектарли иссиқхона учун 2 миллион доллар кредит берилади. Анорага эса, Ёш фермерлар кенгаши раиси жой олишида кўмаклашилишини айтди.**

# “АЧИНСАЛАР, ҒАШИМ КЕЛАДИ!”

Боладан азизи борми дунёда?! Йўқ! Ҳақдан ҳамиша фарзандимиз жонини омон, бахтини бутун, келажагини порлоқ бўлишини сўраймиз. Аммо синиқ тақдирлар ҳам учрайди-да. Синовли дунё, деб қўйибдилар.



Хўш, гўдак маййиб-мажруҳ бўлиб туғилган бўлса ёки бирон хасталик сабаб умрбод тўшакдан туролмаса фақат ота-онасига жабрми? Бундай бахтиқароларнинг аччиқ қисматига бошқалар бефарқ қолса бўлаверадими? Асло. Ўзбек учун боланинг бегонаси бўлмайди. Ҳар бири шу юртнинг фарзанди. Демак, сизу бизга — барчамизга керак у!

Ёшлар иттифоқининг Андижон вилоятидаги миссиясини аввал-бошданоқ Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази мутахассислари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмасди. Чунки мазкур тузилма оддий одамлар эмас, балки тақдири ўта оғир юртдошларимиз — болалар, оналар, оилалар дардига малҳам топишни олдига мақсад қилган. Бундайлар эса, таассуфки, ҳамма жойда бор. “Ёшлар ҳафталиги”нинг танланган манзиллари истисно бўлмади.

Биргина Қўрғонтепа туманида миссия вакиллари атиги битта маҳаллани айланиб, икки соатда нақ саккизта жисмоний имконияти чекланган ўғил-қиз билан суҳбатлашди (эҳ, борй шунча бўлса қанийди!). Бири кўзи ожиз, бири шол ёки оқсоқ... Кўпи кам таъминланган. Ундан ҳам баттари, орасида нотўлиқ оилаларда тарбия топаётганлари бор. Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази директори, таниқли актриса Раъно Шодиева етакчилигидаги гуруҳ, жумладан, психологлар ҳар бир хонадондаги вазиятни бирма-бир ўрганиб, болалар қандай кўмакка муҳтожлигини аниқлади. Амалий ёрдам кечикмади.

Худди шундай жараён Шаҳрихон, Асака, Избоскан туманларида давом этди.



**Дониёрбек СУЛТОНОВ, II гуруҳ ногирони:**

— Хонадонимизга ғамхўр опалар келганидан жуда хурсанд бўлдим. Сўзларимни битта қолдирмай эшитишди. Очиғи, мени эшитадиган одамлар кам... Қадди-қоматимда нуқсон бор. Оёқ-қўлларим яхши ишламайди. Лекин шу ҳолатимга ачинсалар, ғашим келади! Ақлим бутун-ку, ахир. Демак, мен ҳеч кимдан кам эмасман! Фарғонага қатнаб, электротехника коллежида ўқидим. Мана энди, мазкур йўналишда олий маълумотли мутахассис бўлмоқчиман. Институтга ҳам ўз кучим билан кираман! Фақат ҳозир физика, математика тўгаракларида шуғулланиш учун маблағим йўқ.

**P.S.: Дониёрбекнинг мушкули осон бўлди. Шу кунйёқ Ёшлар иттифоқи наврастани бепул фан тўгаракларига жалб этди.**









# ПСИХОЛОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРДИ

Шаҳрихон Ёшлар марказида тумандаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган психологлар учун семинар-тренинг ташкил этилди.











Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази ўтказган тадбирда амалиётчи психологларга ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш, хулқ-атворидаги “оғиш”лар, йигит-қизлар ўртасидаги низо ва салбий эмоционал кечинмаларнинг олдини олиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Мактаб, лицей ва коллежлардаги психологик хизматлар самарадорлигини ошириш мақсадига қаратилган семинарда турли муаммоли вазиятларни бартараф этиш, ўқувчилар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган усуллар хусусида сўз юритилди. Психологик профилактика, диагностика, коррекция ва маслаҳат йўналишлари ҳақида маълумот берилди.

Якунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан марказ мутахассисларига мурожаат қилди.

Бу каби семинарлар Қўрғонтепа, Андижон ва Асака туманларида ҳам ташкил этилди.

Қўрғонтепа туманидаги Мурувват уйи икки юз нафардан зиёд ўғил-қизни бағрига сиғдирган маскан экан. Аксариятининг ота-онаси ҳаёт. Фарзанди учун жонини койитмайди, мажруҳ норасидадан воз кечиб, давлат қўлига топширгани осонроқ.

# ДАВЛАТ ҚЎЛИГА ТОПШИРГАНИ ОСОНРОҚ



Эҳ, одамлар, одамлар, дийдангиз намунча қаттиқ бўлмаса, дея дод солгинг келади. Биз-ку, Мурувват уйига бирров қадам ранжида қилиб шу хаёлда ўртандик, аммо икки юз нафар бола ҳар куни шу ерда-ку. Ҳар куни меҳрибонини кутиб яшамоқда улар...

Болаларга шодлик улашиш мақсадида ҳафталик доирасида Мурувват уйига таниқли санъаткорлар борди. Республика ёш ижодкорлар кенгаши ҳамда Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази ҳамкорлигида байрам тадбири уюштирилди. Дастлаб, актёрлар саҳна асарларидан парчалар, Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова эса, ўз шеърларидан ўқиб берди. Мурувват уйи тарбияланувчилари билан самимий суҳбат меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Санъаткорлар уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истакларига қулоқ тутди. Зарурат бўлганда, далда берди. Дилтортар наволардан ташкил топган концерт дастури давомида иштирокчилар маза қилиб рақсга тушди.

**Мадина ҚОБУЛОВА, Мурувват уйи тарбияланувчиси:**

— Байрамдан бир олам қувонч олдик. Барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Тадбирда таниқли санъаткорлардан ўзимга керакли кўп маълумотлар, тавсиялар олдим. Келажакда санъаткор бўлишни хоҳлайман. Компьютер технологияларига ҳам жуда қизиқаман. Мутолаа — севимли машғулотим.

**Дунё карвонингни тортиб кетаётиб,**
**Кўзлаган манзилга етаман қачон.**
**Менга мол-дунё тахтини эмас,**
**Бир соғлом қиз бахтин бергин, художон!**



Саҳифа материалларини Наргиза УМАРОВА, Жавлон ВАФОЕВ, Нодиржон ЮСУПОВ тайёрлади.

Ж.ЭРКИНОВ, Н.ЮСУПОВ

» YOSHLIK ILHOMI

# Исмсиз бола

Обиджон РЎЗИБОЕВ

Тунги навбатчиликдан сўнг роса чарчадим. Бекат томон ҳорғин юрар эканман, кимдир орқамдан туртди.

Ўгирилиб қарасам, бўйи пастгина, оқ-сариқдан келган, ҳаво совуқлигига қарамай, енги калта футболка кийиб олган, бир кўзи ғилайроқ бола турибди. Чўчиб кетдим.

— Ака, телефонингизни бериб туринг, — деб чап қўлини узатди у.

— Нима қиласан? — сўрадим қизиқиб.

— Бировда зарур ишим бор, — деди.

— Хўп, фақат тезроқ.

Болакай охирги гапимни эшитиб ҳам ўтирмай, телефонни шарт олди-да, мендан икки қадам узоқлашди. Сал ўтиб, қайтиб келди. "Яна бир илтимосим бор: мана шу рақамни териб беринг", — деб ўнг кафтини очди. Айтганини қилдим. У хурсанд бўлиб икки-уч қадам узоқлашди. Ҳеч қанча вақт ўтмай қайтиб келди ва телефонни қўлимга ҳафсаласиз тутқазди. Нимадан хафа бўлганини сўрадим. Болакай: "Рақам нотўғри экан", — деди-ю, югуриб кетди.

Шундан буён у билан тез-тез кўришадиган бўлдик. У бекатга келишим билан ёнимга чопқиллаб келиб, телефонимни олар, лекин ҳар сафар рақамда адашяпман, деб қайтариб берарди. Бора-бора ўша рақам билан умуман боғланишнинг имкони бўлмай қолди. Лекин бола умидини узмасди. Мен ҳам. Атайин рақамни телефонимга сақлаб қўйдим. Ўзим ҳам ора-орада қўнғироқ қилиб турдим. Бироқ ҳеч ким жавоб бермасди.

Исми ва тураржойи, ҳатто кимга қўнғироқ қилаётганини сир тутган болакайни кузата бошладим. Кейин билсам, ишхонам орқасидаги имконияти чекланган болалар интернатида яшар экан. Айтишича, бир неча ой олдин уйига бегона амаки келгач, онаси: "Сен шу ерда қол. Агар керак бўлсам телефон қиласан", — дея уни интернатга ташлаб кетибди. Ўшандан буён бола онасига қўнғироқ қилади. Лекин...

Ичимда бир нима "чирт" этиб узилди. Эртагаёқ интернат раҳбарияти билан гаплашиб онасини топаман деб қарор қилдим. Аммо аксига олиб шамоллаб, уйда ётиб қолдим. Уч кун фақат болакайни ўйладим. Мени бекатдан тополмай, телефон сўраб кимларга зорланиб юрган экан-а?

Тўртинчи куни аҳволим бироз енгиллашди. Дарҳол бозорга отландим. Янги танишимга иссиқ кийим ва оддийроқ телефон харид қилдим. Бекатга яқинлашар эканман, бир ниманинг атрофини ўраб олган одамлар эътиборимни тортди. Ўша томонга юрдим. Туртиниб-суртиниб даврани ёриб кирдим-у... Йўлнинг ўртасида менга ҳеч қачон исмини айтишни хоҳламаган болакай ёнида мажақланиб кетган телефонга қўлини узатганча ётарди.

Уни ердан кўтариб оларканман, туйқус телефоним жиринглади. Қарасам, ўша таниш рақамдан қўнғироқ бўлаётган экан...

## Ота-она

АРЖУМАНДБЕГИМ

— Бу рўзғор харажатларидан ортгани, ўзингга ишлат, — деди эр ҳомиладор аёлидан йиртиқ оёқ кийимини қор тагига яшириб.

— Юсуфжонимиз курткаси кичиклик қилаётганини айтганди. Яхшиси, бу пулни унга сарфлай қолайлик.

Насиба шундай деди-ю, кўзларини ерга қадаганча гард тегмаган оппоқ қорни қўлига олди. Уни айлана шаклига келтирди-да, кўзларини юмганча иштаҳа билан тишлаб, худди сархил мева еяётгандай оҳиста ютинди.

» ASLIYATDAN TARJIMA



Саид Фоиқ АБАСИЁНИҚ



# Самовар

## (ҳикоя)

Турк тилидан Абдурауф ҚЎЗИЕВ таржимаси.

— Тур болам, ана азон ҳам ўқилди, ишга кеч қоласан.

Али излай-излай, ниҳоят, фабрикадан иш топган, бир ҳафтадан буён эрта туриб ўша ерга йўл оларди. Онаси бундан жуда хурсанд эди.

У Яратганга шукроналар айтиб, дуосини ўқиб бўлди ва ўғлининг хонасига кирди. Бўйлари узун, қадди-басти келишган, очиқ чеҳрали йигит тушида қорамойга беланган иш кийимида ғувиллаётган дизель мотори ёнида бир нималар қилаётгани, электр батареялари, ёниқ чироқларни кўриб ётарди. Унинг қирмизи юзи терлаб кетганди. Она ўғлини уйғотишга кўзи қиймади. Холичиўғли (Истанбулдаги мавзенинг номи)даги фабриканинг мўриси худди саҳар чоғи бўйнини чўзиб турган хўрозга ўхшаб кўринди.

Ниҳоят, Али уйғонди. Онасини бағрига босгач, ҳар кунги одатини канда қилмай, яна кўрпасини бошига тортиб олди. Шундай пайтда онаси унинг кўрпадан чиқиб қолган оёқларини қитиқлар, ётоқдан сакраб турган ўғли билан қучоқлашиб, бирга ўринга йиқиларди. Шунда у ёш қиз каби қаҳқаҳа отиб кулар, дунёда ундан бахтли аёл бўлмасди...

Бахтли одамлар кам учрайдиган маҳаллада яшарди улар. Онанинг мана шу боласидан, унинг эса, ёлғиз онасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Она-бола бир-бирини бағрига босганча ошхонага ўтди. У ерни қизариб пишган ноннинг хушбўй иси тутган эди. Али қайнаб турган самоварни фабрикага ўхшатди. Лекин унда на изтироб, на иш ташлаш, на бахтсиз ҳодисалар бор. Ичида фақат сув қайнаб, буғ кўтарилади.

Атроф мусаффо. Тонг маҳали Алига икки нарса, айниқса, хуш ёқарди: бири — ана шу самовар бўлса, иккинчиси — фабрика олдидаги солиб (кўп йиллик шифобахш ўсимлик) солинган кўзача. Холичиўғлидаги ҳарбий мактабда эрталаб чалинадиган барабан товуши, фабриканинг узун ва бутун Холич (Истанбул бўғозининг бир қисми)ни ларзага солувчи ҳуштаги ҳам унга жуда ёқар, қалбида янги-янги орзулар уйғотарди. Сабаби бизнинг Али шоиртабиат йигит эди-да. Катта тегирмонда ишлайдиган электр устасининг бундай нозиктаъблиги бироз ғалати туюлса-да, биз, Али, Маҳмад, Ҳасан шунақа эдик, бошқача бўла олмасдик. Ҳаммамизнинг ичимизда "арслон" ухлаб ётади...

Али онасининг қўлини ўпишни яхши кўрарди. Волидаси эса, унинг бу қилиғидан завқланиб куларди. Уйнинг кичик ҳовлисида райҳон экилган гул туваклари турарди. Али ҳар куни райҳон япроғидан бир нечтасини узиб, кафти билан эзиб, ҳидлай-ҳидлай уйдан узоқлашарди...

Ҳаво салқин, Холични туман қоплаганди. Али дўстларини қайиқ бандаргоҳида учратди. Улар ўзидек навқирон йигитлар эди. Бешовлон Холичиўғлига ўтди.

Али иштиёқ билан ишлашга одатланган. Аммо дўстларидан устун бўлиб кўринишни истамас, қилган ишини кўз-кўз қилиб, мақтангиси келмасди. У яхши ишчи эди. Устози — олмониялик электр устаси Истанбулда ягона. У Алини жуда яхши кўрар, шу боис, шогирдига касбининг барча сир-асрорларини ўргатган эди.

Оқшомда Али яхши кайфиятда уйга қайтди. Онаси билан саломлашгач, уйининг рўпарасидаги қаҳвахонага — дўстларининг ёнига югурди. Бир қўл карта ўйнаб, ён томонда қизғин кечаётган нарда ўйинини томоша қилди. Кейин уйга кирди. Онаси хуфтон намозини ўқиётган экан. Али ҳар доимгидек онасининг олдига чўккалаб ўтирди. Умбалоқ ошиб, тилини чиқарди. Аёл намозини якунлаш арафасида эди. Жойнамоздан турар экан:

— Болажоним, ахир гуноҳ бўлади-ку, ундай қилма, — деди.

— Аллоҳ кечиради, онажон, — жавоб берди Али ва соддадиллик билан сўради:

— Онажон, Аллоҳ ҳеч ҳам кулмайдими?..

Овқатланиб бўлгач, Али "Натпинкертон" романини ўқишга киришди. Онаси унга жемфер тўқий бошлади. Кейин ичидан хушбўй гул ҳиди келиб турадиган кўрпачани тўшаб ётдилар.

Эртасига онаси бомдод намозини ўқиб бўлиб, Алини уйғотди. Ошхонада яна самовар қайнарди! Али самоварни ичида на изтироб, на иш ташлашлар, на хўжайин бақир-чақири эшитилиб турадиган фабрикага ўхшатди. Самовардан фақат хушбўй ҳид, буғ ва тонгнинг мусаффо ифори таралтарди.

Алининг онаси ҳар тонг ўғлининг нонуштасини, оқшомлари эса, бир коса овқатини тайёрлаш билан кунни ўтказарди. Фақат аҳён-аҳёнда юрагида санчиқ пайдо бўларди. Кечки пайт зинапоялардан чиқаётганида буришиб кетган ва тўр мато ҳиди анқиб турган вужудида чарчоқ, баъзан ҳолсизлик сезарди...

Яна бир тонг отди. Али ҳали уйқудан уйғонмаганди. Самовар ёнида турган онанинг аҳволи ёмонлашиб, ёнидаги стулга ўтирди. Шу ўтирганича қайтиб турмади.

Али фабрикадан келаётган қўнғироқ товушидан сакраб турди. Қараса, вақт алламаҳал бўлган. Онаси уни нега уйғотмаганига ҳайрон қолди. Ошхона эшигининг олдида тўхтади. Столга қўлларини суяганча, ухлаб қолганга ўхшаб турган онасига тикилиб қолди. Авваллига ростдан ҳам ухлаяпти, деб ўйлади. Сўнг волидасининг ёнига бориб, елкасига қўлини қўйди. Совий бошлаган ёноқларига лабларини теккизди-ю, қўрқиб кетди. Ўлимга рўбарў келганда, инсон актёрга ўхшаб қолар экан.

Али онасини қучоқлади. Кўтариб ётоғига олиб бориб ётқизди, устига кўрпа ёпди. Совий бошлаган баданини иситишга ҳаракат қилди... Кейин ўзини бурчакдаги диванга ташлади. Ҳўнграб йиғламоқчи бўлди, аммо йиғлай олмади. Кўзлари жиққа ёш, ойнага қаради. Деразадан ташқарига боқди — бир кеча ухламай чиққан одамдан бошқа ҳеч кимни кўра олмади. Ўша топда ўзини кучсиз ҳис қилмоқни, сочлари бир онда оқариб кетишини, белида қаттиқ оғриқ пайдо бўлишини хоҳлади. Қани энди, юзга кирган қариядек мункиллаб қолса, ўтирган жойидан туролмаса...

У яна онасининг чеҳрасига тикилди: ҳечам қўрқинчли эмасди, аксинча, илгаригидек мушфиқ, мулойим. Али онасининг ярим юмуқ кўзларини матонат билан ёпди ва кўчага отилди. Кекса қўшни аёлга хабар берди. Бирпасда одамлар тўпланди. Али эса, фабрикага жўнади. Қайиқда кетар экан, оғир жудоликка кўниккандай бўлди.

Ўлим уни мунис онанинг меҳри, мулойимлигидан маҳрум қилганди. Ўлим — совуқ нарса, аммо сиз билан биз билгандек қўрқинчли эмас. Али бир неча кун бўм-бўш қолган уйда ўзини қўйрга жой топа олмади. Кечалари чироқ ёқмасдан ўтирди. Фақат онасини ўйлади, аммо кўзига бир томчи ёш келмасди.

Бир куни эрта тонгда улар ошхонада юзма-юз келдилар. Деразадан тушган қуёш нури олтин рангли стол устида қотиб қолгандай эди. Али ёнида турган стулга чўкди, шитирлаб ёққан ёмғир каби сассиз, узоқ йиғлади... Энди Алининг ҳаёти тубдан ўзгаради!

Қиш Холич томонларда Истанбулдагидан кўра анча қаттиқ, туманли келди. Йўлаклар чуқурларида музлаб қолган балчиқларни босганча ишга кетаётган одамлар, муаллимлар, жаллоблар ва қассоблар фабрика ёнида тўхтаб, бирпас дам олар, баланд деворга орқасини суянганча занжабил ва хушбўй тарчин солинган шарбат ичарди.

**Варлик, 15.01.1935 й.**

» TOSHOYNA

Раҳмат БОБОЖОН

# Қолган бетлари қани?



Исмоил тоғасиникига кўп боради. Уйи қўшни маҳаллада-да. Тоғасининг меҳмонхонасида катта китоб жавони бор. Унда турли муқовали китоблар шундай тахлаб қўйилганки, ҳар бирини ўқиш у ёқда турсин, томоша қилибоқ завқ оласиз.

Тоғаси ўттиз бешга киряпти. Аммо шу чоққача ақалли битта китобни очиб, ҳафсала билан ўқиб кўрмаган. Энди мутолаага вақт ажратай дейди-ю, аммо қандайдир сабаб бўлиб, яна ташлаб қўяди.

Ўзининг иши яхши. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек маҳалладаги етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма, албатта, ундан писта ёки бошқа майда-чуйда эрмак нарсалардан олиб кетади. Бироқ сўнгги пайтда савдонинг мазаси йўқ. Бундан тажанг бўлган тоғаси китобга умуман қизиқмай қўйди.

...Исмоил жавондан қалин китобни олди.

— Тоға, шуларнинг ҳаммаси сизникими? — сўради қизиқиб.

— Албатта.

— Шуларнинг ҳаммасини ўқиганмисиз? — ҳайрати янада ошиб давом этди жиян.

— Ҳа, — ўйчан жавоб берди тоғаси.

Исмоил қўлига олган китобни чанг босиб кетган экан. Худди анчадан буён фойдаланилмай ётгандек. Бола чангини артди. Кейин саҳифаларини бирма-бир варақлаб чиқди. 72-бетга келганида тўхтади. Қарасаки, ундан кейинги, чамаси, йигирма саҳифаси юлиб олинган. Жиян ҳайрон бўлиб сўради:

— Тоға, қолган бетлари қани, олганингизда шундаймиди?

— Ҳа, шундай, шундай.

— Тоға, ростданам китобларни севасизми?

— Э, намунча серсавол бўлдинг бугун?! Севасизми-севмайсизми. Бунинг нима аҳамияти бор сенга?!.. Китоб фойда келтирсагина, ундан фойдаланаман, тамом-вассалом! Уқдингми?

Исмоил чурқ этмай китобни жойига қўйди-ю, хонадан аста чиқиб кетди.

» MENING FIKRIM

Гулноз ЛОЛАЕВА

# Гап фақат маошда эмас

Охирги вақтда ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақидаги мунозаралар кўпайиб кетди. Бу масалага ҳали узил-кесил нуқта қўйилгани йўқ. Барча фикрлар, асосан, иккига бўлинади. Кимдир ўқитувчилар яхши дарс бера олмаяпти ва ўз ишига масъулиятсиз, деб айтса, бошқа биров: "Аввал педагоглар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаб, обрўсини тиклашимиз керак", — дейди.

Соҳа вакили сифатида шуни айтишим керакки, иккала фикрда ҳам жон бор. Афсуски, ҳамкасбларим орасида вазифасига совуққонлик билан қараб, маошимни олсам бўлди, қабилида иш тутадиганлар ҳам топилади. Лекин беш қўл баробар эмас. Катта тажрибага эга, ўқувчиларини ўз фарзандидек кўрадиган фидойи устозлар ҳам кўп.

Ўқитувчилар мавқеи ҳақида гап кетганда нуқул маош камлигини рўкач қилавериш нотўғри. Албатта, моддий рағбат ҳам муҳим. Лекин бирламчи эмас, деб ҳисоблайман. Айниқса, таълим соҳасида. Айрим ёшларнинг ўқитувчиларни беҳурмат қилиши, аввало, оилада етарли тарбия топмаганидан далолат беради. Ота-она зурриёдига устоз отадек улуғ зот эканини уқтирса, бола шунга амал қилади. Тан олиш керак, юртдошларимиз орасида ўқитувчиларни писанд қилмай: "Пулини оляптими, ўқитсин!" — дейдиганлар ҳам бор. Ачинарлиси, бундай муносабат ёшларга ҳам сингмоқда.

Назаримда, масаланинг ечими оддий: биз, педагоглар касбимизга меҳр қўйиб, вазифамизни сидқидилдан бажарсак, ота-оналар устозларни ҳурмат қилса, маънисиз баҳс-мунозараларга асло ўрин қолмайди.

» 1 SAVOLGA 1 JAVOB

**— Коллежда ҳисобчи бўлиб ишлайман. Бошқа корхонага ўриндошлик асосида ишга жойлашмоқчиман. Лекин директоримиз бунга рухсат бермаяпти. Шундай қилиши асослими?**

**Нодир РАВШАНОВ**
Термиз шаҳри

**Саволга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Шоҳрух НУРАЛИЕВ жавоб беради:**

— Раҳбарингиз нотўғри йўл тутмоқда. Ўриндошлик асосида ҳамда бир нечта касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, ўриндошлик асосида ишламоқчи бўлган ходим иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа органдан розилик олиши шарт эмас. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахс паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат, меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан тегишли маълумотномани тақдим этса кифоя.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

**МАЛОЛЛИК**

Яхши ит ўлигини кўрсатмайди, деган мақол бор. Буни ҳаёт ҳам тасдиқлаган.

Ҳаттоки ит ҳам малол бўлишни ор билса-я. Қанийди, текинтомоқлар малолликнималигини англаса...

**ИЧИНГГА ЮТ**

Илон, ари, чаён заҳридан табобатда шифо учун фойдаланилади.

Ари заҳрчалик нафи бўлмаган заҳрингни ичингга ют. Ўлмайсан ҳам, ўлдирмайсан ҳам...

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Навбатчи
Санжар Эшмурдов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.
Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Буюртма Г-236
Адади — 28510
Офсет усулида босилган.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.10
ЎзА якуни — 21.45
1 2 3 4 5